2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

40 (642)

2008 йил 1 октябрь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оксоқоллар кенгаши, «Махалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

Саҳифада

2
- Қалб қўри — қудратли куч
- Муаллим, эъзозда бўлинг доим!

3
- «Марварид»нинг маъданли суви хосиятли!
- Одам савдоси — олам муаммоси

4
- Сўралмасидан қилингани саховат
- Киши кўнгли қулф-калитли...

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Дунёдаги энг машаққатли, айни пайтда шарафли касб эгаси бўлган сиз, азизларни умумхалқ байрами – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, биз барчамиз, ёшимиз ва касбу коримиздан қатъи назар, қалбимизда унутилмас из қолдирган қадрдон мактабимиз ва унинг бағрида кечган беғубор йилларимизни, бизга билим берган, инсонийлик фазилатларини ўргатган меҳрибон ўқитувчи ва мураббийларимизни умр бўйи катта ҳурмат ва эҳтиром билан эслаймиз. Айни шундай устозларга нисбатан миннатдорлик ва қарздорлик туйғуси азал-азалдан халқимиз эъзозлаб яшаётган энг буюк қадриятлардан бири бўлиб келмоқда.

Биз истиқлолга эришганимиздан кейин таълим соҳасида эски қолиплардан воз кечиб, бутунлай янгича принципларга, аввало, миллий анъана ва қарашларга, жаҳондаги илғор андозаларга асосланган тизимни барпо этиб, ҳаётимизга чуқур жорий этганимиз бугунги кунда ўзини амалда тўлиқ оқлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Буни ҳозирги вақтда нафақат юртимиз аҳли, балки кенг халқаро жамоатчилик тан олиб, бу тизим узоқни кўзлаётгани, унинг миқёси ва қўлами ортиб, мамлакатимизнинг буюк келажаги учун том маънода ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани, таъбир жоиз бўлса, "порт-лаш таъсири"га олиб келиши мумкинлигини эътироф этмоқда.

Асосий маъно ва моҳиятини мутлақо янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий янгилик ва технологияларни ўзлаштиришга қурбиқудрати етадиган, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топаётган, маънавий ва жисмоний етук ёшларимизни тарбиялашдек эзгу мақсад ташкил этадиган бу тизим ҳақли равишда ўзгаларнинг ҳавасини уйғотмоқда.

Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ана шундай ёш авлодимизни вояга етказаётган фидойи ўқитувчи ва мураббийларга эътиборни кучайтириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизимини яратиш таълим соҳасида олиб бораётган ислоҳотларимизнинг самараси ва пировард натижасини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Шу борада умумтаълим мактабларида хизмат қилаётган ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи кейинги икки йил мобайнида 2,8 баробар оширилганини қайд этиш жоиз. Фақатгина мана шу йилнинг ўзида олий ўқув юртлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи қўшимча равишда 1,5 баробар оширилгани бу йўлда яна бир муҳим қадам бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Албатта, таълим соҳасида ишлаётган мутахассисларнинг бугунги ва келажак ҳаёти учун замин тўғдириб бермасдан, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламасдан, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламасдан туриб, бу ҳақдаги барча даъватлар қутилган натижани бермаслигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Табиийки, ҳозирги кунда турмуш даражаси ва сифатининг тобора ўсиб бориши ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, унинг меҳнатини холисона баҳолаш ва рағбатлантириш масаласини давлат ва жамиятимиз олдига муҳим вазифа қилиб қўймоқда. Бундай сиёсатни изчил амалга ошириш ва узлуксиз давом эттиришни мен бундан буён ҳам ўзимнинг Президент сифатидаги юксак бурчим деб биламан.

Биз мустақиллик йилларида олдимизда турган энг устувор вазифа — соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу орзу-интилишларимизни рўёбга чиқариш авваламбор юқори малакали педагоглар, устоз-мураббийларга боғлиқ эканини чуқур англаган ҳолда, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, қадр-қимматини жойига қўйиш, янги ҳаёт, янги жамият қуриш жараёнида жойларда ва марказда кундалик муаммоларни маърифат аҳли билан бамаслаҳат ечиш масаласига алоҳида эътибор қаратаётганимиз албатта бежиз эмас.

Бугунги кунда мамлакатимизда қарийб 1 миллион таълим соҳаси ходимлари ўзининг кўз нури ва қалб қўри, билим ва истеъдодини бағишлаб, 7 миллиондан зиёд ўғил-қизларимизга таълим ва тарбия бераётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу соҳада бизнинг қандай катта куч ва салоҳиятга эга эканимиз аён бўлади.

Шу маънода, мамлакатимизда 1 октябрь санасини Ўқитувчилар ва мураббийлар куни – мана шундай гўзал ва мўътабар байрам сифатида белгилаб, уни дам олиш куни деб эълон қилганимиз дунёда камдан-кам учрайдиган мисол бўлиб, давлатимиз, халқимизнинг, шахсан ўзимнинг сиз, азизларга бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромимнинг яққол ифодаси десам, янглишмаган бўламан.

Шу ўринда яна бир фикрга алоҳида тўхталиб ўтишни лозим деб биламан. Бугунги кунда юксак маънавиятни жамиятимизда енгилмас кучга айлантириш ҳақида қизғин фикр алмашувлар бўлиб ўтаётганидан барчангиз яхши хабардорсиз. Бу ўта муҳим ва долзарб масалани кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйишнинг зарурати ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Фақат таъкидлаб айтмоқчиман: болаларимизни миллий қадриятлар руҳида камол топтириш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг ворислари эканимизни фарзандларимизга етказиш, уларни аждодларимиз қолдирган улуғ ва бетакрор меросининг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ана шундай муҳим тушунчаларни биз интилаётган эркин ва фаровон, обод ҳаётни бунёд этишга қодир бўлган янги авлоднинг онгига сингдириш, уларни бугунги юксак тараққиёт чўққиларини эгаллашга даъват этиш, умидимиз ва ишончимиз бўлмиш ўғил-қизларимизни ҳар қандай бало-қазо ва хавф-хатарлардан асраш ва ҳимоя қилиш биз учун энг ўткир, ҳал қилувчи масала бўлиб қолаётганини унутмаслигимизни истардим.

Мана шундай буюк, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган вазифани аввало навқирон наслнинг меҳрибон тарбиячилари, менинг энг яқин кўмакчим ва маслакдошларим бўлган сиз, азизларга ишониб топширганимизни бугун шу юксак минбар орқали алоҳида таъкидлашдан мамнунман.

Муҳтарам ва қадрли устозлар!

Мана шу муборак кунларда бутун юртимиз бўйлаб кенг нишонланаётган қутлуғ байрамингиз билан сизларни яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Меҳр ва маърифат нури қалбингизни ҳеч қачон тарк этмасин, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқи ва бутун ислом умматига тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.

Муҳаммад Ҳусний МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноб Президент!

Азиз биродарим!

Рамазон байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий тилакларимни йўллайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Туркия халқи ва ўз номимдан Сизга саломатлик ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига юксалиш ва фаровонлик тилайман.

Абдуллоҳ ГУЛ,
Туркия Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рамазон ҳайити кириб келиши муносабати билан Судан халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу ниятларимни йўллашдан ғоят шодлигимни изҳор этаман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса равнақ ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Умар Ҳасан Аҳмад ал-БАШИР,
Судан Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини муқаддас Рамазон ҳайити муносабати билан чин юракдан табриклайман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, омад ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаб қоламан.

Ҳурмат билан,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизга ва Сиз орқали биродар Ўзбекистон халқига муқаддас Рамазон байрами кириб келиши муносабати билан самимий табрикларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Қодир Аллоҳдан Сиз ва халқингизга ҳамда бутун ислом умматига тинчлик, фаровонлик ва равнақ ато этишини сўраб қоламан.

Чуқур эҳтиром ила,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Жаноби Олийлари,

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу истакларимни йўллаш шарафига муяссарлигимдан ғоят хурсандман.

Ушбу қутлуғ айёмда Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаб, Ўзбекистон халқи ва мусулмон умматининг манфаатлари йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатларингизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлишини истайман.

Ушбу саодатли кунларда қодир Аллоҳдан халқингизга ва дунё мусулмонларига муттасил тараққиёт, фаровонлик ва ҳамжиҳатлик ато этишини сўраб қоламан.

Юксак ҳурмат ва эҳтиром ила,

Акмалиддин ЭҲСОН ўғли,
Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби

Бугун — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

ҚАЛБ ҚЎРИ жо бўлган ФАОЛИЯТ

Меҳнат қиламан, деган инсонга ҳунару касб-корнинг тури кўп дунёда. Аммо шундай касблар борки, меҳнату ғайрат-шижоатнинг ўзи камлик қилади. Бу касбларнинг ҳақиқий соҳиби бўлиш учун инсондан фидойилик, олижаноблик, бағрикенглик каби фазилатлар ҳам талаб этилади. Шундай касблардан бири ўқитувчи-мураббийликдир. Бугун — фарзандларимизни келажагимизнинг муносиб ворислари, комил инсонлар қилиб тарбиялаш ишига бор салоҳияти ва қалб қўрини бахшида этган инсонлар — Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами.



Бу сана юртимизнинг барча ҳудудларида тантанали нишонланмоқда. Не бахтки, истиқлол йилларида ҳукуматимиз, Президентимизнинг таълим соҳасига алоҳида эътибори самарасида устоз, мураббийлар меҳнати том маънода қадр топмоқда, муносиб тақдирланмоқда. Ҳар бир педагогнинг касбий маҳоратини оширишга, замонавий техника ютуқлари воситасида билимини бойитишга шарт-шароитлар етарли. Энг муҳими, таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг ҳаётга татбиқ этилишида устоз ва мураббийлар иштироки йилдан-йил фаоллашиб бораётгани қувонарлидир.

Давоми 2-саҳифада

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг

ҚАРОРИ

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддаси ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари ваколат муддати 2008 йил ноябрь–декабрь ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши қ а р о р қ и л а д и:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари 2008 йил ноябрь–декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилиши ҳамда ўтказилишини таъминласин.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда сайловни ўтказиш жараёнига мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги, "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" принципини амалга оширишдаги ролини кучайтиришга қаратилган энг муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида қаралсин.

Давоми 2-саҳифада

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Шу йилнинг ноябрь–декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари ваколат муддати тугаши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ мамлакатимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органларига навбатдаги сайлов ўтказишга тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. 2006 йил май–июнь ойларида бўлиб ўтган аввалги сайлов якунларига кўра, фуқаролар йиғинларининг 8843 нафар раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 84,3 минг маслаҳатчиси сайланган эди. Бу йил фуқаролар йиғинларининг 9067 нафар раисини (оқсоқолини) ва уларнинг 85 мингдан ортиқ маслаҳатчисини, шу жумладан, маҳалла фуқаролар йиғининининг 7476 нафар, қишлоқ фуқаролар йиғининининг 1331 нафар, шаҳарча ва овул фуқаролар йиғининининг 160 нафар раисини сайлаш мўлжалланмоқда.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:

Қабулхона — 236-53-93

Тел/Факс: — 233-44-25

Масъул котиб: 236-53-75

Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! Севимли нашрингиз «MAHALLA»ни ҳамиша ҳамкор тутинг. Обуна бўлишга шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг

ҚАРОРИ

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси (бундан буён матнда Сенат Кенгаши комиссияси деб юритилади) таркиби 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Сенат Кенгаши комиссиясининг асосий вазифалари деб белгилансин:

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда сайловни ўтказишни амалдаги қонун ҳужжатларига, очиқ ва ошкоралик демократик принципларига тўла мувофиқ ҳолда ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан тузиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар фаолиятини самарали тарзда мувофиқлаштириб бориш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, уларнинг социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя этиш ишидаги тобора ортиб бораётган роли билан, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раисларини (оқсоқолларини) ва уларнинг маслаҳатчиларини ташкилотчилик лаёқатига, ҳаётий тажрибага ҳамда аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган шахслар орасидан сайлашга йўналтирилган сайлов ўтказилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш марказда ҳамда жойларда қандай бораётганлиги оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш;

аҳолини кўпроқ ташвишлантириб турган, сайловга тайёргарлик кўриш ва сайловни ўтказиш асосида фуқаролар томонидан кўтарилган ижтимоий, уй-жой ва маиший ҳамда бошқа соҳадаги масалаларни аниқлаш, уларни ҳал этишга қаратилган комплекс дастурлар ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

сайлов якунлари тўғрисида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар комиссиялари томонидан тақдим этилган ахборотларни умумлаштириш ва кўриб чиқиш, бу ахборотни кенг жамоатчилик эътиборига тезкорлик билан етказиш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари 2008 йилнинг 10 октябрига қадар бўлган муддатда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузсин.

5. Қуйидагиларга:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар таркибига "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлинмалари вакилларини киритиш;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларга фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун тузилган ишчи гуруҳлари фаолияти мувофиқлаштириб борилишини таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш, зарур ҳолларда уларни биноолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида сайловолди тадбирларини ташкил қилишда фаол иштирок этиш;

оммавий ахборот воситаларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенаторлари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш юзасидан комиссияларга амалий ёрдам кўрсатишда фаол иштирок этсин.

7. Сенат Кенгаши комиссияси ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги ахборотни умумлаштирсин ҳамда сайлов якунлари тўғрисида 2009 йилнинг 15 январига қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгашига ахборот берсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 30 сентябрь

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 30 сентябрь куни бўлиб ўтган мажлисида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Кенгашда таъкидланганидек, 2008 йилги сайловга тайёргарлик доирасида Олий Мажлис Сенати, "Маҳалла" жамғармаси, Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан бугунги кунга қадар мамлакатимизнинг барча туманларида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини самарали тарзда ташкил этиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари юзасидан давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга, фуқаролар йиғинлари фаолиятига бағишланган ўндан ортиқ рисола, қонун ҳужжатлари ва услубий қўлланмалар тўпламлари оммавий нусхада чоп этилди ва тарқатиш учун тайёрлаб қўйилди.

Муҳокама якунлари асосида аввалги сайлов тажрибасини ва қонун ҳужжатлари талабларини ҳам инобатга олган ҳолда Сенат Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди, мазкур Қарорга биноан сайлов 2008 йилнинг ноябрь–декабрь ойларига мўлжалланмоқда.

Кенгаш, шунингдек, мазкур сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режасини тасдиқлади ва парламент ҳар иккала палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари вакилларидан иборат таркибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясини тузди. Мазкур сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш дастурида назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар мажмуини амалдаги қонун ҳужжатларига, очиқ ва ошкоралик демократик принципларига мувофиқ равишда амалга ошириш, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан тузиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўрилиши ҳамда сайлов ўтказилишини таъминловчи вилоят, туман, шаҳар комиссияларини шакллантириш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш Сенат Кенгаши комиссиясининг асосий вазифалари деб белгиланди. Мазкур сайловни ташкил этиш ва ўтказишга доир тадбирлар режасида сайлов тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш юзасидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари, мазкур сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлари аъзолари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида давра суҳбатлари ва ўқув семинарлари ўтказиш ҳам назарда тутилган.

Сайловнинг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларини тушунтириш ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилиши билан боғлиқ комплекс тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, сайловга бағишлаб "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида махсус рукнлар очиш, телевидение ва радиода эса туркум кўрсатув ҳамда давра суҳбатлари ташкил этиш назарда тутилган.

Мажлисда сенаторлар, Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзолари, Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, бошқа давлат ташкилотлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Наманган вилояти

Замонавий қулайлик

ТАДБИРКОР ТУҲФАСИ

Янгиқўрғон тумани Шарқ юлдузи қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Ерилган маҳалласи аҳли тадбиркор Бахтиёр Мўйдиновнинг хайрли ишидан жуда мамнун бўлмоқда. У жорий йил бошида 70 сотих майдонда замонавий гузар қуришга киришганди.

Якинда қурилиш ишлари ниҳояланиб, кўркам гузар ишга тушурилди. Бу ердан ошхона, тўй ва маросимлар ўтказиш зали, чойхона, сартарошхона каби аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олган. Шунингдек, тадбиркор Худойберди Нажмиддинов ҳам ўз маблағи ҳисобидан савдо дўкони қуриб, фойдаланишга топширди. Ишга туширилган шохобчаларда жами 25 киши иш билан таъминланди.

Ёрилган маҳалласи аҳолиси эндиликда эҳтиёжи учун керакли маҳсулотларни харид қилишда туман марказига қатнашига зарурат қолмади. Бундан ташқари, тадбиркор Б.Мўйдинов ташкил қилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган цехда бир мавсумда 200 тонна атрофида қуритилган мева маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Мирзадавлат ЮНУСОВ, «Mahalla» мухбири.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз устоз ва мураббийлар!

Қорақалпоғистон Республикаси

ҚАЛБ ҚЎРИ жо бўлган ФАОЛИЯТ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

— Касб байрамимизни муносиб ютуқлар билан қаршиладик, — дея таъкидлайди Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири Б.Султонов, — айни пайтда ҳудуддаги 751 та умумтаълим мактабларида 35 мингдан ортиқ педагог-ўқитувчи томонидан 280 минг нафар ўғил-қизга таълим-тарбия берилмоқда. Педагогларнинг 22 минг нафари олий тоифадаги мутахассислардир. Кейинги йилларда 21 та замонавий мактаб бинолари қурилди, 119 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 206 та мактаб биноси капитал ҳамда жорий таъмирланди. 2008-2009 ўқув йили учун эса 6 та мактаб биноси бунёд этилди. 58 та ўқув маскани биноси капитал таъмирланиб, чиройли ва замонавий қиёфага кирди. Бундан ташқари, мактабларни ўқув-лаборатория асбоб-анжомлари, замонавий техник жиҳозлар билан таъминлаш учун 22 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши самараси ўлароқ, мамлакатимизда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолияти ривожланмоқда, моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Масалан, ўтган йил охиридан айни пайтгача Қорақалпоғистонда 12 та янги касб-ҳунар коллежи иш бошлади. Бу билим масканларининг кўп қисми олис овулларда, жумладан, Устюртдаги Элобод шаҳарчасида, Беруний туманидаги чорвадорлар овули — Қизилқалъада бунёд этилиб, фойдаланишга топширилгани алоҳида эътирофга лойиқ.

Шуманай туманидаги Шуманай қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг малакали педагогларидан бири Олмагул Зоирова юртимиз мутсақиллигининг 17 йиллик байрами арафасида Президентимиз фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

— Таълим соҳасидаги ислоҳотлардан кутилган самара ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос равишда таълим-тарбия олиши экан, бу борада энг катта масъулият, шу билан бирга шарафли вазифа шубҳасиз биз каби устоз ва мураббийлар зиммасидадир, — дейди Олмагул Зоирова. — Меҳнатимиз халқимиз, ҳукуматимиз, муҳтарам Юртбошимиз томонидан қадрланаётгани бизга куч-қувват бағишлайди, илғор ва фидойи меҳнатга илҳомлантиради.

Асилбек ИСКАНДАРОВ, «Mahalla» мухбири.

«КАСБИМИЗДАН ҲАМ ҲУРМАТ, ҲАМ РАҲМАТ, ҲАМ РАҒБАТ ТОПДИК...»

Ҳаммамиз истиқлол йилларида ёш авлод тарбиясига катта эътибор қаратилаётгани ҳамда унинг самараси сифатида бўй кўрсатаётган ютуқлар, ўзгариш ва янгиланишларнинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Эртанги кун эгалари бўлган ёш авлод тарбиясига эътибор ўз-ўзидан устозлар ва мураббийларга, уларнинг заҳматли меҳнатига ҳам эътибор деганидир.

Юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилишини шу йўналишдаги энг муҳим ишлар қаторига қўйиш мумкин. Буларнинг бари ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради.

1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра ҳар йили 1 октябрни мамлакатимизда Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, яъни умумхалқ байрами сифатида нишонлаймиз. Ана шунинг ўзиёқ юртимизда устозлар ва мураббийларга кўрсатилаётган эътибор қанчалик юксак эканини тасдиқлайди.

— Кўп йиллардан буён таълим соҳасида фаолият кўрсатаман, — дейди пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 118-мактаб директори Бибисора Ҳасанова. — Юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳеч шубҳасиз фарзандларимизнинг баҳтли келажаги учун хизмат қилади. Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида биргина мактабимизнинг ўзига 274 миллион сўм маблағ ажратилди. Таъмирланиб, бутунлай янгича қиёфа касб этган мактаб ҳомийлар ва Васийлар кенгаши ёрдами билан тўлиқ жиҳозланди. Информатика, физика, кимё ва биология хоналари замонавий асбоб-ускуналар, ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Мураббийлар хонасида эса ўқитувчиларнинг дарсдан бўш вақтларида маданий ҳордиқ чиқаришлари, ишлашлари учун барча қулайликлар мавжуд. Мактабимизнинг маънавият ва маърифат хонаси проектор, телевизор ва видео аппаратуралар, кутубхонаси эса янги илмий, бадиий нашрлар, ўқув қўлланмалари билан таъминланди. Бир сўз билан айтганда, бундай таълим даргоҳида ўқиш ёки ишлаш бир неча йил аввал ўқитувчиларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам орзуси эди. Ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг касб маҳоратини доимий ошириб боришга йўналтириш мақсадида ҳар бир муассасада директор фонди ташкил этилган. Ишда фаоллик кўрсатган, синфдан ташқари ишларни тўғри йўлга қўйган ходимлар ана шу фонд ҳисобидан рағбатлантириб борилади. Шунингдек, илғор ходимларнинг ойлик маошларига устама ҳақ тўлаш тартиби ҳам жорий этилган.

Ислоҳотлар узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида ҳам изчил олиб борилмоқда. Хусусан, замонавий касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва уларда яратилган қулайликлар, таълим сифати дунёнинг энг ривожланган давлатларидаги ўқув масканлари билан бемалол беллаша олади.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча жойларида, ҳатто энг чекка қишлоқ ва овулларда ҳам замонавий касб-ҳунар коллежлари қад кўтарди, — дейди 2-Тошкент юридик коллежи «Ижтимоий-иқтисодий фанлар» кафедраси мудири Ҳимоят Ҳайдарова. — Ўқув масканларида таълим олувчилар ва мураббийларга яратилаётган шароитлар, имкониятлар биз — ўқитувчиларни янада ғайратшижоат билан ишлашга ундайди. Барча қулайликларга эга бўлган муассасаларда таълим-тарбия бериш ўқитувчининг ишини енгиллаштириш билан бирга, масъулиятини ҳам оширади. Яратилаётган шароитлар таълим-тарбия ишларини янги сифат босқичига кўтариш, самарадорлигини ошириш учун хизмат қилмоқда, деб айта оламан. Юртбошимизнинг жорий йил 30 июлдаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини коллежимиз педагог-ходимлари мамнуният билан қарши олишди. Албатта, гап моддий рағбатлантиришдагина эмас, балки ўқитувчиларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликда, уларнинг меҳнати муносиб баҳоланишида. Ўн олти йиллик меҳнат фаолиятимни таҳлил қилиб, касбимдан ҳам ҳурмат, ҳам раҳмат, ҳам рағбат топганимга ишонч ҳосил қиламан.

Ҳа, бугун таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходим фахр ва ғурур билан сўзласа арзийди. Уларнинг сўзларида меҳнатидан қониқиш, масъулиятли, аммо шарафли юмушга дахлдорлик туйғуси бўй кўрсатиб турганини англаб олиш қийин эмас.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА, «Mahalla» мухбири.

Қарор ва ижро

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 29 майда қабул қилинган "Республика иқтисодиёт тармоқларини 2008-2009 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юзасидан Қашқадарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили қишнинг нисбатан қаттиқ келиши туфайли айрим ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тармоқларида носозликлар кузатилди. Бундан сабоқ чиқарган ҳолда вилоятда мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, касалхоналар, шифохона ва уй-жойларни узлуксиз иссиқлик билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Ҳозирга қадар вилоятдаги 8 та қозонхона мукаммал, ўнтаси жорий таъмирдан чиқарилди, 9,4 километр сув, 4,5 километр иссиқлик ва 4 километрдан ортиқ газ тармоқлари янгиланди. Саккизта касалхона ҳамда 1991 йилгача қурилган юздан ортиқ уйда иссиқлик тармоқларини капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Тўра Саидовнинг айтишича, жорий йилда 29 та мактаб ва бешта болалар боғчасида ички ва ташқи иситиш тармоқларини капитал таъмирлаш якунига етказилмоқда. Шунингдек, мактаблар ва мактабдан ташқари таълим муассасаларига 15 минг 689 тонна кўмир, 622 тонна ёқилғи етказиб берилди.

Қарши шаҳридаги 9-мактабда 1 минг 258 ўқувчи таълим олади. Мактабнинг иситиш тизими ўтган йили узлуксиз ишлагани туфайли қишнинг аёзли кунларида ҳам синфхоналар етарли даражада иссиқлик билан таъминланди.

— Болалар саломатлигини асраш учун, биринчи навбатда, иссиқлик тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш лозим, — дейди мактаб директори Олия Узоқова. – Пухта тайёргарлик кўрилгани боис қиш оғир келган ўтган йилда ҳам иситиш масаласида муаммолар бўлмади. Бу йил мавсумга янада масъулият билан ҳозирлик кўрмоқдамиз. Бунда бизга вилоят «Иссиқлик манбаи» очиқ акциядорлик жамияти катта ёрдам бермоқда.

Вилоят «Иссиқлик манбаи» очиқ акциядорлик жамияти 75 та кўпқаватли уй ва етмишга яқин ижтимоий соҳа муассасаларига хизмат кўрсатади. Ўтган йилги қиш сабоқларидан тегишли хулоса чиқарилиб, жамият қошида аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича "Носозликни бартараф этиш ва техника таъминоти хизмати" ташкил этилди. Унга диспетчерлик хизмати, пайвандчилар ва сантехниклар гуруҳлари бириктирилди.

— Ушбу гуруҳлар керакли асбоб-ускуналар билан таъминланди, — дейди вилоят «Иссиқлик манбаи» очиқ акциядорлик жамияти директори вазифасини бажарувчи Намоз Бўронов. – Шунингдек, бирлашган кичик қозонхоналар бўлимида ҳам пайвандчилар гуруҳи иш олиб боради.

Тармоғимиздаги 18 та иссиқлик ишлаб чиқариш қозонидан олтитаси жорий ва мукаммал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 10 километрдан ортиқ иссиқлик қувурлари қаттиқ қоплама билан изоляция қилиниб, иссиқлик узатиш тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Мавсум мобайнида барча уй-жойлар ҳамда ижтимоий соҳа объектларини узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминлаш имконига эгамиз.

— Ширкатимизга қарашли ўнта кўпқаватли уйда 500 га яқин хонадон яшайди, — дейди Қарши шаҳридаги «Хонадон истиқболи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Ўрол Умиров. — Иссиқлик қувурларидаги носозликлар, газ босимининг пастлиги туфайли юзага келадиган муаммолар бартараф этилмоқда. Аҳолининг бу борадаги масъулиятини ошириш мақсадида қишга пухта тайёрланиш бўйича тушунтириш ишларини олиб боряпмиз.

А.МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА мухбири.

Ислоҳотлар самараси

Жамиятимиз ҳаётидаги янгиланишларни, барча соҳалардаги ислоҳотлар жараёнини хотин-қизлар иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Ҳар бир соҳада уларнинг ўз ўрни бор. Истиқлол йилларида юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга доир чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилаётгани бу борада кўплаб қонуний ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилишида ўз ифодасини топиб келмоқда. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу борада республикамиз энг илғор, тараққий этган давлатлар билан ҳам тенглаша олади.

АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

«Аёллар йили» деб номланган 1999 йилда мамлакатимиз Президентининг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси самараси ўлароқ, турли соҳада меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг юқори малакали меҳнатини рағбатлантириш ва уларнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1996-2001 йилларда қабул қилинган «Болали аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Она ва бола скрининги давлат тизимини ташкил этиш тўғрисида», «Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида», «Она ва бола Давлат дастури тўғрисида», «Соғлом авлод Давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари каби муҳим ҳужжатлар юртимиз хотин-қизлари учун жамият ҳаётида, оиласи ва фарзандлари тақдирида максимал даражада фаол иштирок этиш учун шарт-шароит яратилаётганини далиллайди. Шунингдек, 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президентимиз Фармони республика хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини оширишга кенг йўл очиб берди. Бугунги кунга келиб юртимиздаги барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали хотин-қизлар ҳаёти ва фаолиятига дахлдор масала ва муаммолар ижобий ечим топишига эришилаётгани, бунда фуқаролар йиғинлари мутасаддиларининг ваколат ва масъулият доираси аниқ белгиланган ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани алоҳида эътирофга лойиқдир. Бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга бола парвариши учун тўланадиган нафақани тайинлаш ваколати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши ижтимоий адолат, холислик ва ошкораликни таъминлашга қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Ўзбекистон 1995 йил Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциясига қўшилган. Юқоридаги ҳолатлар Юртбошимизнинг «Аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи, ҳурмат ва эътиборини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган», деган сўзлари амалда ўз тасдиғини топаётгани ва самара бераётганини кўрсатади.

Гулсара ИСАХОНОВА,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Олам турфа

ЭНГ ҚАДИМГИ ЕРОСТИ ЙЎЛИ

Дунёдаги энг қадимги ерости йўли Европада, аниқроғи Франциянинг Тулон шаҳрида 1681 йил қурилган бўлиб, ундан ҳозирги кунгача фойдаланиб келинади. Бу лаҳмнинг узунлиги 157, эни 7, баландлиги эса 8 метрдир.

Қизиғи шундаки, мазкур ерости йўли орадан юзлаб йиллар ўтишига қарамай, бирор марта ҳам таъмирланмаган, яъни бунга эҳтиёж туғилмаган.

СОНИЯ МИЛЛАРИ ИХТИРОЧИСИ

Маълумки, соатларда дақиқа ҳамда сонияни кўрсатувчи миллар мавжуд. Бироқ улар қачон ва кимлар томонидан ихтиро қилинган?

Манбаларда келтирилишича, сония миллари 1649-1734 йилларда яшаган инглиз шифокори Жон Флоур томонидан ихтиро қилинган экан. Эътиборли жиҳати шундаки, у сония милларини соат учун эмас, балки тиббиётда фойдаланиш мақсадида яратган. Яъни беморлар қон томирининг уришини аниқлаш мақсадида кашф қилган экан.

Сирдарё вилояти

Саховатпешаларданмиз

Ховос туманида жойлашган Бобур номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Холмат Ниназаровнинг Холмамат, Шермамат ва Оймамат исмли уч нафар ногирон фарзанди бор. Бу оилага давлатимиз, қўни-қўшнилар ҳамда маҳалла-кўй томонидан имкон қадар моддий ва маънавий ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Тадбиркор Собиржон Шокиров эса Ниназаровлар оиласини ўз ҳомийлигига олган.

ЯХШИЛИКнинг МУКОФОТИ — ЯХШИЛИК

Ховос туманида бугунги кунда 2400 нафар жисмоний имконияти чекланган инсонлар истиқомат қилади. Улардан 809 нафари тўшакка михланиб қолган. Ўзбекистон «Ногиронлар» жамиятининг туман бўлинмаси эса уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса, касб-ҳунарга йўналтиришга катта эътибор қаратмоқда. Айни пайтга қадар 12 нафар ногирон Янгиер шаҳридаги ўқув марказида компьютер оператори, сартарошлик ва тикувчилик курсларида ўқиб, уларнинг етти нафари туман бандликка кўмаклашувчи марказ орқали ҳудуддаги корхона ва ташкилотларга ишга жойлашди.

Тумандаги Карвонсарой-2 маҳалласида яшовчи I гуруҳ ногирони Мухтор Эсонбоевга бўлинманинг саъй-ҳаракати билан махсус велосипед ясаб берилди. Шу маҳаллалик яна бир ногирон Карим Ҳалимов ўғиллари билан биргаликда ҳунармандчилик билан машғул. Улар ясаган чиройли эшик ва дераза ромлари, сандиқ, бешик ва бошқа жиҳозлар жуда харидоргир. Тоҳир Тошбоев ногирон бўлишига қарамай, моҳир суратқаш. У фотоҳаваскорлар ва суратқашлар ўртасида ўтказиб келинаётган кўрик-танловларда фаол иштирок этади.

Ховос шаҳарчасининг Истиқлол маҳалласида истиқомат қилувчи биринчи гуруҳ ногирони Каромат Ботирқулова эса икки йилдирки, республика миқёсида ўтказиб келинаётган «Мафтункор ранглар дунёси» расмлар танловида ўзининг «Ассалом, Наврўз», «Натюрморт», «Мен севган гуллар» каби асарлари билан қатнашиб, ғолибликни қўлдан бой бермаяпти.

«Ногиронлар» жамияти туман бўлинмаси томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар эътирофга лойиқ. Жумладан, яқинда туманда яшовчи ногиронларнинг 22 нафари Самарқандга, яна 12 нафари эса Тошкент шаҳрига саёҳатга боришди.

— Муҳтожларга мурувват кўрсатиш юртдошларимизга хос хайрли анъана, — дейди «Ногиронлар» жамияти туман бўлинмаси раиси Эсонбой Ботиров. — Хусусан, ногирон инсонлар атрофдагиларнинг, умуман, жамиятнинг ғамхўрлигига, мададига эҳтиёж сезишади. Шундай экан, бундай кишиларга ёрдам қўлини чўзиш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимизга айланмоғи лозим. Зеро, муборак ҳадисларда ҳам савоб ишларга дохил бўлган кишиларга Яратганнинг ўзига хос мукофоти бор, дейилган.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Самарқанд вилояти

Каттақўрғон шаҳрида эллик ўринли "Марварид" сиҳатгоҳи фаолият кўрсата бошлаганига икки ой бўлди.

Сиҳатгоҳда бир ойда юз нафар одам ўз саломатлигини тиклайди. Унинг иккинчи навбати ишга тушгач, бу ерда даволанувчиларнинг сони яна икки марта ошади.

Ушбу маскан беморлар, асосан, маъданли сув ёрдамида шифо топади. Ер остидан 42 градус иссиқликда чиқаётган маъданли сув таркиби инсон саломатлигини тиклашда жуда фойдали ва шифобахшдир.

СУРАТДА: *сиҳатгоҳ ошпази Наргиза Турсунова.*

Тоҳир НОРҚУЛОВ *(ЎзА)* **олган сурат.**

Ташаббуснинг қаноти бор

ҲАМЗАОБОДДА ХАЙРЛИ ТАДБИР

«Гулчеҳра» деб номланувчи 180 ўринли болалар боғчасида асосан Ҳамзаобод маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли фарзандлари тарбияланади. Боғча биноси қурилиб, фойдаланишга топширилганига 25 йил бўлди.

Ўтган йиллар мобайнида боғча атрофини тартибга келтириш ҳамда ободонлаштириш, ичимлик сув қувурларини ўтказиш каби ишларни амалга оширишда жамоамизнинг ҳар бир ходими бирдек жон куйдирди. Бундан ташқари, боғчада таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйиш мақсадида кадрлар масаласига ҳам жиддий эътибор қаратдик.

Боғчамиз бугунги кунда шаҳардаги мактабгача тарбия муассасалари ичида намунали даргоҳлардан бирига айланган. Энг муҳими, боғча ҳаёти, унинг ютуқ ва камчиликлари маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари ва фаолларининг доимий эътиборида.

Яқинда Ҳамзаобод маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Неъмат Қобилов бошчилигида оқсоқоллар, кўчабошилар ва фаоллар ўзаро кенгашиб, боғчага ҳомийлик ёрдами кўрсатиш масаласини кўриб чиқишди. Гулнора Бўронова, Сабоҳат Иброҳимова, Зулфия Ёқубова, Муниса ая Жумаева ва Раъно Солиева каби маҳалланинг фаол аёллари ҳашар йўли билан боғча болаларининг ётоқхоналаридаги кўрпа-тўшакларни янгилаб бериш ташаббуси билан чиқдилар. Бу ташаббусни маҳалла кайвонилари ҳам қўллаб-қувватлаб, хайрли ишга бош қўшдилар.

Янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан боғчамизда ташкил этилган тадбир эса бу хайрли ишнинг давоми бўлди. Унда шаҳар ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар вакиллари ҳамда фаол маҳалладошлар иштирок этдилар. Тадбирда 20 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ва боғча ходимларига совғалар улашилди.

Муҳаррам МУҚУМОВА,
Жиззах шаҳридаги «Гулчеҳра» болалар боғчаси мудираси.

Жиззах вилояти

Номусга тажовуз

Одам савдоси давримизнинг ўткир муаммоларидан биридир. Бинобарин, жинсий эксплуатация қилиш, мажбурий меҳнат, болалардан оғир, қора меҳнатда ишчи кучи сифатида фойдаланиш, тиламчилик, одам органлари ва тўқималарини кўчириш мақсадида одамфурушлик билан шуғулланиш — буларнинг бари мудҳиш жиноят ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти ва Қочоқлар бўйича халқаро ташкилотлар экспертлари баҳосига кўра, сўнгги йилларда бу хилдаги жиноятчиликнинг тез суръат билан ўсаётгани кузатиляпти. Таҳминларга кўра, ундан жабрланганлар сони йилига ўртача 2,7 миллион кишига етмоқда. Одам савдоси бозори катта даромад келтирадиган манба сифатида гиёҳванд моддалар ва қурол савдосидан сўнг учинчи ўринда туради.

Пойтахтимиздаги «Истиқболли авлод» ёшлар маънавият тарғибот маркази масъул ходими Малоҳат Муродова «одам даллоллари» ўта фирибгар бўлишади, дея таъкидлайди. Улар ишонч қозонишга уста, аёллар руҳияти ва феъл-атворини яхши ўзлаштирган, ҳаётидан норози қиз-жувонларни осонлик билан илғайдиган тоифа. Фирибгарлар макрига илинганлар эса, афсуски, хотин-қизлар, вояга етмаган ўспиринлардир. Улар гўёки хорижга борса, бир кунда бойиб қоладигандек, пул ерда сочилиб ётгандек, иш таклиф қилаётганлар ҳақида суриштиришни хаёлларига ҳам келтиришмайди.

Аҳир ота-оналар фарзандлари бемаҳалда шаҳар кўчаларида ясан-тусан қилиб санғишларини билишадими? Эҳтимол, кимлардир бу гапимизга нисбатан, ҳозир замон ўзгарди, унга яраша одамлар ҳам бошқача, кишиларнинг ҳаётга, атрофдаги воқеаларга муносабати, қараши аввалгидай эмас, дейишлари мумкиндир...

Лекин фарзандларнинг хулқи, одоби, кийиниши салбий томонга ўзгарса ҳамки, бу ҳолат ота-она диққатини жалб этмаслиги мумкинми? Янги, замонавий турмуш кетидан қувиб, анъаналар, тарбия, одоб-ахлоқ ва диёнатни унутиш яхшиликка олиб келмаслиги аён-ку!

Афсуски, энг пок, энг қадрли туйғуларни поймол қиладиган кимсалар бугун орамизда учраб турибди. Ўшаларнинг ножўя қадамлари туфайли одам савдоси кенг қамров касб этмоқда. Оқибатда тинч-тотув оилалар фаровонлигига путур етяпти.

Қизиғи шундаки, фоҳишалик билан шуғулланаётган енгилтак аёллар ўзларини оила боқиш мақсадида шу кўчага киргандек кўрсатиб, қилмишларини оқлашдан тап тортмайдилар. Эл орасида уларни «тунги капалаклар» деб аташади. Негаки, улар ҳақиқатда ҳам капалакмисол ҳали у ерда, ҳали бу ерда таралабедод юрадилар.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар, айниқса, аёллар ва болалар савдоси бугун дунё миқёсида долзарб муаммолардан бирига айланди.

Одамларни турли мақсадларда эксплуатация қилишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ортгани, бундай жирканч қилмишнинг уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилаётгани, трансмиллий жиноятчиликнинг асосий даромад манбаига айлангани ўта қарши кураш чораларини кучайтиришни талаб этмоқда. Бинобарин, одам савдоси бир ёки икки давлат эмас, жаҳон ҳамжамияти олдидаги муаммодир. Бундай жиноятлар трансмиллий қамров касб этган. Бу жиноят бизнинг юртни четлаб ўтиши ҳам амри маҳол.

Шуни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда 2003 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТнинг «Одам савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенцияси (Нью Йорк, 1949 йил, 2 декабрь) ҳамда «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенцияси (Нью Йорк, 2000 йил, 15 ноябрь) ратификация қилинди.

Мамлакатимизда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муҳим ва қатъий қадам бўлди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлда «Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 911-қарори имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорига мувофиқ ташкил этилган одам савдосига қарши кураш бўйича Республика Идороларо комиссияси бош прокурор бошчилигида изчил фаолият олиб бораётир.

Мамлакатимизда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар бўйича 2004 йилда 185 та жиноий иш қўзғатилган бўлиб, 2007 йили бу кўрсаткич 273 тага ортгани кузатилди. Тергов-суриштирув натижаларига кўра, 2004 йилдан то жорий йилнинг август ойига қадар 3239 жабрланувчи аниқланган.

Маълум бўлишича, хорижга пул топиш илинжида ёлғон ваъдаларга ишониб кетган хотин-қизларнинг аксарияти фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбур қилинган. Бу ишдан бош тортганлар калтакланган, хўрланган, очликка дучор этилган. Улар орасида қабиҳликка чидай олмай ўз жонига қасд қилганлар ҳам бор.

«Биз бошқа мамлакатга борганимиздан сўнг, алданганимизни билиб қолдик. Даромадли иш топиб берамиз, деганларнинг ёлғон гапирганлари, аслида бизни фоҳишалик қилишимиз учун сотиб олишгани маълум бўлди».

Бу бир ўзбек аёлининг тилидан кўчган иқрор. У узоқ вақт бебилиска даромад изладди. Аёлнинг истагидан воқиф бўлган фирибгарлар уни алдаб, хориждаги ҳамкорлари — қўшмачилар қўлига топширадилар. Албатта, маълум манфаат эвазига. Биласиз, манфаат деб энг манфур ишлардан ҳам қайтмайдиган, тубанликнинг минг бир кўчасига кириб чиққанларда на ор-номус ва на виждон бор!

Доно халқимиз «Саёқ юрган таёқ ер», дея нақл қилади. Алданган қизлардан бирининг ачинарли қисматидан воқиф бўлиб, шу мақолни эсга олдик.

Қизнинг айтишича, ҳаммаси «оддийгина учрашув»дан бошланган. Қаҳвахоналардан бирида дугонаси билан ўтиришганда икки йигит келиб, уларнинг ёнига ўтиради. Йигитлар қаҳвахона тунги соат 12 да ёпилишини айтиб, бошқа жойга боришни таклиф қилишади. Вақтида ҳеч бир эътирозсиз бу таклифга кўнган қизлар энди номуслари топталганидан ғам чекишаётгани эриш туюлади кишига. Кўринишидан туппа-тузук оиланинг фарзандидек таассурот қолдирадиган бу қиз дугонаси билан ўша йигитларнинг машинасига ўтиради. Бироз йўл юргач, йигитлар: «Сизларни Қозоғистонга олиб кетамиз», дейишади. Қаршилик кўрсатиш, ёрдам сўраш бефойда эди. Ваҳоланки, қизларда бу йўлдан қайтишга, янги танишлар билан хайрлашишга, мабодо, кейинги учрашув белгиланадиган бўлса, уни бошқа кунга тайинлаш имконияти бор эди.

Ўзини Илҳом Юсупов деб таништирган кимса ана шундай айбланувчилардан бири. У ўзига ўхшаган юзсиз шериклари билан қизларни алдаб, қозоғистонлик ҳамтовоқларига сотганини айтар экан, гўёки қаҳрамонлик кўрсатгандай, қаддини ғоз тутганча ғўдайиб гапирганига нима дейсиз?

— Масалан, — дейди Илҳом Юсупов, — салқин ичимликка қўлда тайёрланган махсус дори қўшардик. Сўнг ўзимиздан бўлган «официант» уйқу дори қўшилган «Кока-кола»ни олиб келиб берарди. Дори қўшилган ичимликни ичганлар эса 15-20 дақиқа ўтгач, нима десак кўнишарди...

Маълум бўлишича, Илҳом Юсупов ва унинг шериклари Муродилла Оқмирзаев, Ғайрат Қосимов, Гулнора Аҳмедовадан иборат жиноий гуруҳ ҳар бир аёл учун (жиноий гуруҳ жами 20 нафар қизни ўғирлаб, четга олиб кетган) қозоғистонлик гумашталаридан уч юз минг сўмдан олишган.

Тубанликнинг туби йўқ, деганларидек, бу гуруҳ аъзолари нақадар жирканч ишга қўл урган бўлмасинлар, бундан зинҳор уялмаганлар, виждонлари қийналмаган, ҳаром пулни чўнтакка урганча, айшларини суриб юраверганлар.

Аслида бу дунё ўлчовли, ҳисоб-китобли дунё. Бугун кимнингдир қизини, хотинини алдаб сотаётган кимсалар, эртага бу савдо ўзларининг ҳам бошига тушишидан қўрқишмайди.

Адолат, қонун, инсон шаъни аталмиш тушунчалар бор экан, номуссизлар эртами-кечми, жазосини олмоғи тайин. Хусусан, жорий йилнинг 20 август куни ушбу жиноий гуруҳ аъзолари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 135-моддасида кўрсатилган жиноий ҳаракатларни содир этганликлари учун Тошкент шаҳар Чилонзор туман суди қарорига асосан, 10 йилдан 14 йилгача бўлган муддатларга озодликдан маҳрум қилиндилар.

Тарихдан маълумки, барча даврларда ҳам ахлоқсизлик қаттиқ қораланган. Аёл зоти эркак кишининг юзига тик қарамаган. Кўча-кўйда ҳатто қиз-жувонларнинг йўлини кесиб ўтмаганлар. Зеро, аёл шаъни миллат шаънидек асраб-авайланиб, ҳимоя қилингани азалдан миллатимизга хос қадрият саналади. Ана шу бебаҳо анъаналаримизни ёдда тутиш, эъзозлаш, амал қилиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

www.region.uz

Кўрик-танлов якуни

«Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг ташаббуси ва ҳамкор ташкилотлар кўмаги билан «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида юртимиз маҳаллалари ўртасида ўтказилган «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган энг намунали маҳалла» республика кўрик-танловининг республика босқичи якунланди.

ДЎСТЛИК — ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Кўрик-танлов ҳайъати аъзолари томонидан танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичларида совриндор бўлган маҳаллаларнинг ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширган ишлари атрофлича ўрганиб чиқилди. Кўрик-танлов натижаларига кўра, Андижон вилояти Асака шаҳридаги Дўстлик маҳалласи фуқаролар йиғини (раиси М.Жўраева) биринчи ўринга муносиб деб топилди. Ушбу маҳаллада ёш оилаларни иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилиб, ҳудудда ташкил этилган «Асакалик Латифжонҳожи» фермер хўжалигида 40 нафар ёш оила аъзолари иш билан таъминланган. Шу жумладан, ҳудудда ёш оилаларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга алоҳида эътибор бериляпти. Жорий йил бошидан буён ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳомийлар томонидан уларга 14 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, банкдан 97 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилган.

Бухоро вилояти Қоровулбозор туманида жойлашган Албухорий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини (раиси Ж.Абдужалилова) иккинчи, Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги Ҳокимоқсоқол маҳалласи фуқаролар йиғини (раиси Ф.Дўстова) учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Гулистон маҳалласи фуқаролар йиғини (раиси А.Ражабов) рағбатлантирувчи ўринга муносиб топилди.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Мозиядан мерос иншоотлар

Хоразм вилояти

ОБИДАЛАР — ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

Меъморий ёдгорликлар халқимизнинг бой ўтмишга эга экани, бу заминда илм-фан, маданият ва санъат жуда қадимдан ривожланганидан дарак беради. Жумладан, Хоразм меъморий ёдгорликларининг зангори гумбазларини, нафис пештоқлари, рангли кошин ва осмонўпар минораларини инсон қўли билан яратилган мўъжизалар, дейиш мумкин. Уларни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Истиқлол йилларида юртимизда тарихий обидаларни асраш ва умрбоқийлигини таъминлаш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 7-сессиясида (2001 йил 30 август) "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилингандан сўнг бу соҳада ижобий силжишлар рўй берди, тарихий ва маданий меросимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Вақт ва табиий таъсирлар меъморий ёдгорликларга ҳам ўз ҳукмини ўтказмай қолмайди. Атроф-муҳитга кўп миқдорда чиқинди газларнинг чиқарилиши, Оролбўйи минтақасида экологик вазиятнинг кескин ўзгариши оқибатида ҳавода туз, чанг миқдорининг ортиши, шўрланиш, зарарли ҳашарот(термит)ларнинг кўпайиши меъморий обидалар конструкцияларининг емирилиш жараёнини тезлаштирмоқда.

Тарихий ёдгорликларнинг техник ҳолатини мониторинг қилиш, уларнинг ер остки ва ер устки конструкцияларини илмий тадқиқ қилиш мамлакатимизда қайта ривожланаётган фан йўналишларидан бири саналади. Чунки илгари ҳам бу йўналишда айрим тадқиқотлар олиб борилгани манбалардан маълум. Айни пайтда бундай тадқиқотлар Хоразм Маъмун академиясининг илмий ходимлари томонидан олиб борилмоқда. Олимларимиз жуда катта илмий-амалий аҳамиятга молик бўлган "Хоразм меъморий ёдгорликлари ҳолатининг мониторинги ва уларни ташқи муҳит таъсиридан ҳимоялаш усулларини ишлаб чиқиш" мавзусидаги лойиҳа бўйича тадқиқот ишларини амалга оширмоқдалар.

Мониторинг жараёнида дастлаб техник асоси кучайтирилиши, мустаҳкамланиши зарур бўлган обидалар тўғрисида "маълумотлар банки" тўпланди. Унга кўра, Дешон-қалъа ҳудудидаги 1835 йил савдогар Саидниёз Шоликорбой ҳомийлигида бунёд этилган мажмуанинг пишиқ ғиштдан тикланган 29,5 метрлик минораси табиий таъсирлар ва инсон фаолияти натижасида жануби-ғарбий томонга 1,07 метр оғгани, техник ҳолати қониқарли эмаслиги аниқланди. Ушбу мажмуа жойлашган заминда намлик ўта кучлилиги, ер ости сувлари тупроқ сатҳидан атиги 70 сантиметрдан 1 метргача чуқурликда жойлашгани обиданинг келажаги ҳақида жиддий ташвишланишга асос беради.

Саидниёз Шоликорбой мажмуасининг минораси бетакрор меъморий обида ҳисобланади. Чунки уни тиклашда умуман кошин ишлатилмаган, меъморлар безак сифатида ғиштдан фойдаланганлар. Яъни ғиштни маҳорат билан териб, гўзаллик яратганлар. Миноранинг энг юқори қисмидаги карниз сталактидалар эса кишини лол қолдиради. Бир сўз билан айтганда, ушбу минора Хоразм меъморлари нафақат уста-қурувчи, балки математика, геометрия фанидан ҳам юқори билимга эга бўлганлигини, оддий ғиштдан геометрик пропорцияларга асосланган ҳолда бетакрор нақшлар ишлаб, санъат даражасига кўтара олганини кўрсатади. Ҳатто Хивадаги энг баланд ва кўркам ҳисобланган Ислом Хўжа минорасининг карнизи ҳам кошин билан безатилган, чунки бу жараён унчалик машаққатли меҳнат талаб қилмайди.

Хоразм тарихий меъморий ёдгорликларининг ҳар бири алоҳида ўрганишга, тадқиқ қилишга арзийди. Боиси қурилиш услуби бўйича уларнинг ҳеч бири иккинчисини такрорламайди. Айни пайтда академиямизнинг илмий ходимлари битта грант лойиҳаси доирасида бир неча обидаларнинг деформацияланиш жараёнини ўрганиб, зарур хулоса ва илмий тавсияларни ишлаб чиқмоқдалар. Бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш аждодлардан қолган бебаҳо меросни авлодларга етказишимизда муҳим аҳамиятга эга.

Гавҳар ДУРДИЕВА,
Хоразм Маъмун академияси ходими,
техника фанлари номзоди.

МУҲАББИЛАР ТАҚВИМИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Ижодий изланиш, бу изланиш маҳсулини ҳамкасблар ва раҳбарият эътиборига ҳавола этиш учун жуда қулай фурсат. Бу фурсатдан унумли фойдалана олсангиз бўлди.

СИҒИР(22.04-20.05)
Яқин кунларни одатдаги тартибда, муҳим воқеа-ҳодисаларсиз ўтказасиз. Ҳордиқ чиқариш, жисмонан ва руҳан қувват тўплаш учун қулай имконият.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)
Шу кунларда ўз хатти-ҳаракатларингизни четдан туриб кузатишга ҳаракат қилинг. Шунда хато ва камчиликларингизни тушунишингиз, энг муҳими, тан олишингиз осонроқ бўлади.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Одатда тез ўзгарувчан феъл-атфорингиз шу кунларда сизга ҳар доимгидан ортиқроқ ва жиддий панд бериши эҳтимоли йўқ эмас. Айниқса, муҳим масалалар муҳокамасида бу ёдингизда бўлсин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Шу кунларда дўст-биродарларингиз сони янада ортади. Лекин шуни ҳам унутмангки, меҳмондорчиликда орттирилган дўстлик ришталари ҳам мустаҳкам бўлавермайди.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Шу кунларда қандай ишга қўл урманг, ишингиз бароридан келади. Техника воситаларидан фойдаланишда ҳушёр ва эҳтиёткор бўлишни унутмасангиз кифоя.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Келгуси тақдирингизда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларни бошдан ўтказасиз. Ҳар бир сўзингиз, хатти-ҳаракатингиз аниқ режалаштирилган бўлсин.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Агар яқинларингиздан биронтаси кайфиятингизни бузиб қўймаса, яқин кунларда ишларингиз жойида бўлади. Касбий фаолиятингизга доир масалаларда ҳушёр бўлинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Бироз муддат илгари тўхтаб қолган ишларни битказиш учун қулай фурсат етди. Натижа эса сиз ўйлагандан кўра яхшироқ бўлади — мўмайгина даромад кўришингиз мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ўз сўзига эгалик қилолмайдиган кишиларни ёмон кўрсангиз-да, шу кунларда айнан шундай ҳолат сизнинг бошингизга тушиши мумкин. Ваъда беришда ҳисоб-китобингиз аниқ бўлсин.

КОВҒА (20.01-18.02)
Ҳамкорлик тўғрисидаги турли соҳага дахлдор, жиддий ва енгил-елпи таклифларни энг аввало, саралаб олинг. Шу кунларда арзимас бўлса-да хато қилишдан эҳтиёт бўлинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Керак бўлганда ёқимтойгина бўла олишингиз натижасида жуда муҳим масалани ўз фойдангизга ҳал қилишга эришишингиз мумкин. Лекин бу чорани ҳамиша қўллай оламан, деб адашманг.

Саховат

МАҲКАМБОЙ ОТАНИНГ ҲИММАТИ

Андижон вилояти

Андижон шаҳрининг Охунбобоев номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи Маҳкамбой Шодмонов ўзининг эзгу амаллари билан бошқаларга ўрнак бўлиб келаётганлардан.

Бутун умрини боғ яратиб, эл дастурхонига ширин-шакар мевалар тортиқ этишдек савобли ишга бағишлаган Маҳкамбой ота ёз давомида шаҳарнинг иккинчи ва учинчи даҳаларида яшовчи қарияларга ўзи етиштирган боғдорчилик маҳсулотларидан тарқатди. Айни кунларда Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан отахон эҳтиёжманд инсонларга мурувват кўрсатиб чарчагани йўқ. Хусусан, шаҳардаги «Саховат уйи» ва «Меҳрибонлик уйи», Бўтақорадаги «Мурувват уйи» ҳам отахоннинг саховатидан бебаҳра қолмади.

— Бутун умрим кўчат экиш, боғ яратиш билан ўтди, — дейди Маҳкамбой ота. — Ҳалол меҳнатим орқали эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор топдим, фарзандларимни ўстириб-улғайтирдим. Кўп йиллик ҳаётий тажрибам давомида бировга яхшилик қилган, мурувват кўрсатган инсон кам бўлмаслигига амин бўлдим.

Ҳа, юртдошларимиз орасида Маҳкамбой ота сингари саховатни ўзига шиор тутган инсонлар кўп. Улардан ибрат олиб, савобли амалларни қилиш эса ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Донолар бисотидан

Кимнинг ҳимматию мурувватн қанчалик кўп бўлса, шунга яраша одамлар унинг қайғусига шерик бўларлар, ҳамдардлик билдирарлар.

Абулқосим аз-ЗАМАХШАРИЙ

Билиб қўйки, сен дунёда ўз амалинг уруғларини экмоқдасан. Дунё сенинг даланг. Ўлим они — йиғим-терим замонинг, охират эса хирмонингдир. Нима эккан бўлсанг, ўша нарсанигина йиғиб-териб оласан.

Сайдо ЖАЗАРИЙ

Сўралмасдан аввал берилган нарса саховат ҳисобланади. Сўралгандан сўнг берилса, ҳаё ёки мазаммат билан боғлиқ бўлиб қолади.

Али ибн Абу ТОЛИБ

Қалб сирларнинг идишидир, лаблар унинг қулфи, тил эса калитидир. Бас, ҳар бир киши сирлари калитини сақласин.

Умар ибн АБДУЛАЗИЗ

Чилонзор туманида рўйхатга олинган «AVTO MOTO LIZING» хусусий корхонаси МЧЖ айлантирилади.

Корхона рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи Чилонзор тумани ТСРУ инспекцияси томонидан 25.04.2008 йилда берилган 003546-08-сонли гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор ҳисобланади.

Ажабо!

«УЧАР ОЁҚЛАР»

Мексиканинг тоғли ҳудудларида Тараумара номи билан аталувчи кичик қабила мавжуд бўлиб, бу атама «тезчопарлар», бошқа маълумотларга кўра, «учар оёқлар» маъносини билдиради.

Германияда чоп этиладиган рўзномалардан бири тараумараликларнинг чопқирлигини синаш учун қабила вакили Хуан Масерга бир тажрибада қатнашишни таклиф қилган. Буни қарангки, Хуан 265 километр масофани тўхтовсиз равишда чопиб ўтиб, барчани ҳайратга солган.

Тараумара қабиласи қарияларининг таъкидлашларича, қабила аъзоларидан бири беш кеча-кундуз давомида тинимсиз югуриб, 900 километр масофани босиб ўтган экан.

Норвегиялик тадқиқотчи Карл Лимхольцнинг фикрига қараганда, Тараумара қабиласининг ҳиндулари нафақат чопқирлиги, балки ўта чидамлилиги билан ҳам бошқалардан ажралиб туришади. Тоғли ҳудудда яшаш шароити оғир. Шу боис ҳиндулар бирор егулик топиш илинжида кўп вақтларини ов қилиш билан ўтказадилар. Баъзида улар яшин тезлигида чопадиган кийикларни бир неча кун давомида тинимсиз қувлашар экан. Ниҳоят, ҳолдан тойиб, йиқилиб қолган кийиклар қабила аъзолари учун ўлжага айланар экан.

98 ЁШЛИ МАРАФОНЧИ

Юнонистонлик Д.Иорданидис номи марафонли югуриш бўйича кексалар ўртасида ўтказилган мусобақаларнинг ғолиби сифатида оғизга тушган.

Негаки, у 42 километру 195 метрли масофани 7 соату 40 дақиқада югуриб ўтишга муваффақ бўлган. Энг асосийси, ушбу натижага эришган вақтида Иорданидис 98 ёшда экан.

Маннон НАБИЕВ тайёрлади.

Азиз муштарий!
Севимли нашрингиз «MAHALLA»ни ҳамиша ҳамкор тутинг.

«MAHALLA»га обуна бўлсангиз, йил давомида қизиқарли нашр сизнинг ҳамроҳингизга айланади.

Азиз юртдошлар!
РАМАЗОН ҲАЙИТИ байрами барчамизга МУБОРАК БЎЛСИН!



Ушбу байрамнинг шукуҳи қалбимизга шафоат ва эзгулик, хонадонимизга тинчлик ва хотиржамлик бахш этсин!



Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА,** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: **Бектош Исмоилов**
Мусаҳҳиҳ: **Ҳамза Абдуллаев**
Саҳифаловчи: **Фаррух Расулов**

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — **236-53-93**
Тел/Факс: — **233-44-25**
Масъул котиб: **236-53-75**
Котибият — **236-55-69**
Хатлар бўлими: **236-57-62**

2008 йил 1 октябрь
40 (642)

11769 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-920 Топширилди — 22.30
1 2 3 4 6